

МАТЛУБАХОН ШАРОПОВА

КЕЛ, КЎНГИЛГА
АСО БЎЛ, МЕҲР
ШЕЪРЛАР

Тошкент
«Янги аср авлоди»
2010

Матлубахон Шаропова — тиббиёт фанлари доктори, профессор. Адабиётшунос олим оиласида тарбия топгани сабабми, болалигидан адабиётга, шеъриятга алоҳида меҳр билан улғайган. Шу боис ўзи ҳам ёшлигидан шеърлар машқ қилиб келади. Асли касби шифокор бўлган М. Шаропова гарчи шоирликка даъво қилмаса ҳам машқларида қалб туғёнларини ўзгача ташбеҳларда ифодалаш ифтиборга моликдир. Улар шеърхон кўнглидан муносиб жой олади, деган умиддамиз.

ISBN 978-9943-08-583-1

© Матлубахон Шаропова, «Кел, кўнгилга асо бўл, меҳр». «Янги аср авлоди», 2010 йил.

АДАШМАГАН МЕХҲ

Кўпчилик китоб ўқимай қўйди, деб нолиймиз. Бор гап: шундай завқли, хайрли машғулотдан бебаҳра, дунёнинг бошқа энгил-елпи амалларига берилиб кетаётганлар кам эмас. Лекин ўқийдиган бугун ҳам ўқияпти, ёзадигани ёзаяпти, кўнглида бори қўшиқ-ялласини куйлаб юрибди — завқ ўлмаган, илҳом ўлмаган. Ҳимматига барака. Худо инсоф-андишадан қисмаса бўлгани.

Чинакам адабиёт, чинакам шеъриятнинг ҳар қандай ҳавасманд кимсага маънилаб бериш мушкул бўлган нозик шарту талаблари бор, албатта. Аммо бу — шеърни фақат ана шу жиҳатлардан бохабар хос одамларгина ёзсин, қўшиқни фақат булбулнафаслар айтсин дегани эмасдир. Чумчуқсўяр қассоб нақли бунда ортиқча. Кўнглида дарди бор инсонларга эшикни очиб қўявериш керак — балки ҳали биз билмаган бирор гапи бордир; хаддини билса, эртага бир кун ҳақиқий адабиёту ҳақиқий шеърият мана шундай бўлади, дея иддао қилиб чиқмаса — бас.

Билишимизча, шеъриятга, шеърнависликка ҳавас қўйган шифокор синглимиз Матлубахон Шаропованинг ундай даъвоси йўқ. У киши адабиётшунос олим хонадонида — адабий об-ҳаводан баҳраманд бўлиб улғайган эканлар. Албатта, шундай муҳитда ҳам одам китоб-питоб ўқимай, шеър у шеърият нималигини билмай юравериши мумкин. Демак, Матлубахоннинг кўнглида ёшлиқдан шеърини бир завқ бўлган — акс ҳолда йиллар оша, эътиборли тиб олимаси бўлиб етишган чоғида бу туйғу юзага чиқмас эди. Тўпلامдаги машқларни кўздан кечирганда бунга ишонч ҳосил қиласиз: содда, эркин, оҳангдор. Шоирлик бор!

*Шўх кўзларда балққан ёғду — сеҳрмикан,
Ажаб, банди бўлиб жодуларига,
Телбадек эргашиб кетаверибман,
Лолалар кутибман аёздан нега?
Умр-ку ўтмоқда шу зайл.. бир кам,
Баҳордан умидим қолмади энди.
Лекин иродамни буколмади гам,
Қалбда изтироблар тўфони тинди...*

Чакки эмас-а? Умуман, адабиётга меҳр қўйиш, шеър ўқиш, шеър ёзиш, уларни тўплаб ёр-дўстга улашишнинг нима ёмон жойи бор? Баракалла дейиш керак.

Эркин АЪЗАМ

*Ушбу китобимни отам
Хусанхон Мушаррафхон ўғлининг
ёрқин хотирасига бағишлайман*

ВАТАН СОҒИНЧИ

Ватан, сендан йироқ кетсам
Соғинаман бағрингни.
Олис йўлда энтикиш-ла
Ҳис этаман қадрингни.

Сен онамсан — аллалаган
Узоқ тунлари бедор,
Падаримсан — меҳр бериб,
Мудом бўлдинг мададкор.

Сен оғамсан — ғамгин онлар
Далда берган, қўллаган.
Опамдирсан — бошим силаб,
Истиқболим ўйлаган.

Устозимсан — ҳарф танитиб,
Онг-шуурим чархлаган.
Сен — руҳимга қанот бериб,
Самоларга чоғлаган.

Кучоғингда улғайдиму
Ишқ шароби маст қилди.
Гоҳ куюниб, гоҳ қувониб,
Сочимга қиров инди.

Толе шуки гар ортингда
Қолса ўғил-қизларинг.
Фарзандларим сиймосида
Ватан, мужассам ўзинг.

Сен синглимсан — сирларини
Сўйлаган тунлар бедор.
Инимдирсан, қуюнгансан
Бўлсам агар дилафгор.

Гар толиқсам, ўзингдирсан
Суянчиғим – алп тоғим.
Қувончимсан, саодатим,
Бағри чаман — гулбоғим.

Бахтим тугал фақат сенда,
Ўзбекистон — жон Ватан.
Садқа бўлсин розидурман,
Сенинг учун жон ва тан.



ВАТАН

Беланчакда тамшанади гул гўдак,
Меҳри жўшиб алла айтар волида.
Тандир қураар терга ботиб бир эркак,
Чумоли ҳам эркин бу тинч ҳовлида.

ШУКРОНА

Куни билан тиним билмайман,
Фил бўлса ҳам толарди чоғи.
Кечда болам бир кулгусидан
Унут бўлар жами чарчоғим.





Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/uz/asar/1816> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/1816> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/1816>